

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасининг ташкилий тузилмаси бўлимлари учун намунавий иш тавсифлари

1. Бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўлими

Лойиҳаларнинг кредитга лойиқлигини баҳолаш: молиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий таҳлилларни олиб бориш.

Лойиҳа ташкилотларидан молиявий маълумотларни тўплаш, уларни баҳолаш ва кредит беришга тааллуқли тавсиялар ишлаб чиқиш.

Лойиҳа соҳасидаги хавфларни аниқлаш ва молиявий таъминот бериш шароитларини ишлаб чиқиш.

Кредит шартларини ишлаб чиқиш, уларни лойиҳаларга мослаштириш.

Бизнес лойиҳаларнинг ижро этилишини кузатиш ва кредитлар учун баҳолаш мезонларини белгилаш.

Кредит бериш ва қайтариш шартларини кўриб чиқиш, олинган маблағларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, кредит бериш жараёнини мувофиқлаштириш.

Лойиҳаларнинг молиявий хавфини баҳолаш ва хатарларни минималлаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш.

Лойиҳаларнинг қарз қайтариш қобилияти ва ўтган молиявий натижаларини таҳлил қилиш.

Лойиҳа иштирокчилари ва раҳбарлари билан мунозаралар ўтказиш, шунингдек, янги лойиҳалар учун таклифлар ишлаб чиқиш.

Лойиҳа учун стратегик мақсадларга мос ҳужжатлар ва ҳисоботлар тайёрлаш.

2. Стартап лойиҳалар ривожлантириш бўлими

Стартап лойиҳаларини ривожлантириш ва тегишли тадбирларни амалга ошириш учун стратегияларни ишлаб чиқиш.

Стартапларнинг бозорга чиқишини, уларнинг потенциалини ва рақобатдагиларга нисбатан афзалликларини аниқлаш.

Стартап лойиҳа жамоаси учун тренинглар ва малакали кўмаклар ташкил қилиш, уларнинг бизнес қобилиятларини ривожлантириш.

Стартап лойиҳаларининг ижро этилишини ва молиявий фаолиятини кузатиш.

Лойиҳа учун маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Тадбиркорлик инфратузилмаларини ривожлантириш бўлими

Тадбиркорлик инфратузилмаси учун зарур бўлган барча ресурслар ва хизматларни аниқлаш.

Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш учун стратегик ҳужжатлар ва режаларни ишлаб чиқиш.

Инфратузилма яратишда ҳар бир лойиҳа ва ресурснинг самарадорлигини таъминлаш.

Давлат ва хусусий сектор билан ҳамкорликда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини ривожлантириш.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун инновацион марказлар, бизнес инкубаторлар, технопарклар ва акселераторларни яратиш ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш.

Тадбиркорлар учун таълим, малака ошириш ва консалтинг хизматларини ташкил қилиш.

Тадбиркорлик инфратузилмаси учун зарур бўлган ёрдамчи марказлар, офислар ва жойларни яратиш.

4. Стратегик ривожлантириш ва йиғма таҳлил бўлими

Лойиҳаларнинг ижро вақти, бюджет ва тартибини кузатиш ва эҳтимолий хавфларни аниқлаш.

Лойиҳа кўрсаткичлари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш.

Лойиҳа натижалари ва аҳамиятини баҳолаш, тўпланган маълумотларга асосан таклифлар ишлаб чиқиш.

Ташкилотлараро ҳамкорлик қилиш ва маълумотлар алмашиш.

Лойиҳа натижаларига оид таҳлиллар олиб бориш ва амалга оширилган тадбирлар бўйича хулосалар бериш.

Бозор талабидан келиб чиққан ҳолда бизнес лойиҳаларни молиялаштириш миқдорлари ва шартларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда бошқа қўллаб-қувватлаш инструментларини жорий қилиш юзасидан таклифлар киритиб бориш.

5. Мониторинг бўлими

Лойиҳаларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини мониторинг қилиш, зарур бўлса, таклифлар киритиш.

Инструментлар орқали ажратилган маблағларнинг мақсадли фойдаланилиши доимий мониторинг қилиб борилади ҳамда ажратилган маблағларни қайтариш бўйича зарурий чоралар кўрилади

Лойиҳа ривожланишини кузатиш, иш жараёнларини баҳолаш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Лойиҳаларни тартибга солиниши ва бажарилган ишлар бўйича ҳисоботларни тайёрлаш.

Лойиҳа натижаларини ва кўрсаткичларини мониторинг қилиш ва баҳолаш.

6. Ички назорат бўлими

Ички назорат сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш.

Молиявий ҳисоботлар ва фаолиятнинг тўғрилигини текшириш, ички аудитлар ва таҳлиллар ўтказиш.

Хатолар, хато ёки коррупция хавфини аниқлаш ва уларни минималлаштириш учун механизмлар ишлаб чиқиш.

Ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш ва уларни доимий равишда янгилаш.

Ташкилотнинг ишланмаларининг қонунийлигини, ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўғрилигини текшириш.

Қарорлар қабул қилиш жараёнини назорат қилиш ва уларнинг тўғри амалга оширилишини таъминлаш.

Рискларни бошқариш ва уларни камайитиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Хужжатларни текшириш, йўл қўйилган хатолар ва уларнинг олдини олиш бўйича таклифлар киритиш.

7. Инсон ресурсларини ривожлантириш бўлими

Ҳар бир ходимнинг шахсий ва профессионал ривожланиш мақсадларини белгилаш.

Ташкилотдаги иш жойларини таҳлил қилиб, кадрлар ривожланишини ва уларнинг салоҳиятини баҳолаш.

Ходимларга тайёрлаш ва ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Малака ошириш, курслар, семинарлар ва тренинглар ташкил қилиш.

Ходимларнинг кариер ривожланишида йўналиш бериш, ўрганиш имкониятлари яратиш.

Ходимларнинг иш самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш.

Ишда энг яхши натижаларга эришган ходимларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш

Шахсий ва гуруҳ даражасида маҳорат ва кўникмаларни ошириш учун керакли манбаларни таъминлаш.

8. Молия бўлими

Ташкилотнинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Молиявий режалаштириш ва прогнозлаш, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш.

Молиявий ишлар ва бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини ва ишончлилигини таъминлаш.

Ташкилотнинг солиқ ва молиявий бошқарув соҳасидаги қонун ва регламентларга мувофиқлигини таъминлаш.

Молиявий баҳолаш, харажатлар ва даромадларни тартибга солиш, жорий ва келгуси молиявий мақсадлар учун ҳисоботлар тайёрлаш.

Молиявий операцияларнинг бошқаруви ва ҳуқуқий талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

Молиявий камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш.

9. Юридик бўлим

Ташкилотнинг қонуний фаолиятини назорат қилиш ва қонунчиликка мувофиқлигини таъминлаш.

Ташкилотнинг ҳуқуқий ҳужжатлари, шартномалари ва келишувларини тузиш, уларни текшириш ва юридик тажрибага мослигини таъминлаш.

Ҳуқуқий хатарларни аниқлаш ва уларни камайитириш учун чоралар кўриш.

Ташкилотнинг ҳуқуқий позицияларини ҳимоя қилиш, судлар ва арбитражларда ташкилот манфаатларини ёрдам бериш.

Шартнома ва ҳуқуқий ҳулосаларни тайёрлаш ва тақдим этиш.

10. Бўлимлар учун қўшимча талаблар

Олий таълим (иқтисодиёт, молия, бизнес ёки бошқа тегишли соҳада).

Бизнес лойиҳаларини бошқариш ёки қўллаб-қувватлаш соҳасида камида 1 йил иш тажрибаси.

Лойиҳаларни амалга ошириш учун керакли техник ва молиявий билим.

Мукаммал таҳлил қилиш ва стратегик фикрлаш қобилияти.

Жамоада ишлаш, мулоқот ва музокара ўтказиш қобилиятлари.

Ўқиш ва ўзгаришларга мувофиқлашиш қобилияти.

Иш жадвалига интизомли бўлиш ва ижро этиш қобилияти.